

## Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича

### ХУЛОСА

#### Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси

Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан тайёрланган ва Қўмигага (project.gov.uz орқали) юборилган Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлар тўғрисида”ги Қонуни (ID- 22367 (V-1) лойиҳасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

1. Қонун лойиҳасида (35, 44, 51, 57, 77, 85 ва 116-моддаларда) фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун рухсатнома олишда, ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига рухсатнома манфаатдор шахснинг аризаси асосида **тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича** берилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Ушбу соҳада фаолият юритувчи барча иштирокчиларга тенг рақобат муҳитини яратиш мақсадида ер ости бойликларидан фойдаланиш (қидириш, қазиб олиш ва ҳаказолар)га рухсат беришни электрон тарзда танлов савдоларида амалга оширишни Қонун лойиҳасида кўрсатилиши таклиф этилади.

2. Қонун лойиҳасининг 69-моддасида Маориф ва фан бўйича мажбуриятлар белгиланган бўлиб, қазиб олиш даврида, иккинчи йилдан бошлаб, ер ости бойликларидан **фойдаланувчи маҳаллий кадрларни ўқитиш** ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида илмий-текшириш (тадқиқот) ишларини **молиялаштиришга мажбурлиги**, бунда молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан тасдиқланган тартибда ер ости бойликлари фойдаланувчисининг ўтган йилги яқунлари бўйича фойдали қазилмаларни қазиб олишдан тушган пулнинг бир фоизи миқдорида амалга оширилиши, маҳаллий кадрларни ўқитиш ва илмий-текшириш (тадқиқот) ишларини молиялаштиришнинг ошиб кетган ўрнатилган минимуми ер ости бойликлари фойдаланувчисининг кейинги йилдаги мажбуриятларини бажаришда ҳисобга олиниши белгиланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга ошириш ҳамда ўз фаолияти йўналишларини, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчиларни ва ўз товарларининг (ишларининг, хизматларининг) истеъмолчиларини мустақил равишда танлашга ҳақлилиги, Қонуннинг 34-моддасига асосан давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг амалга ошираётган фаолиятига

аралашинишга ҳақли эмаслиги, Давлат органларига, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва бошқа ташкилотларга, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига битимлар тузиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти субъектларининг бошқарув органлари ваколатига тааллуқли бўлган бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, тадбиркорлик фаолияти субъектларига кўрсатмалар ва бошқа фармойишлар бериш тақиқланиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси “**Рақобат тўғрисида**”ги Қонунига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши тақиқланиши белгиланган.

Шунингдек, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг товар ёки молия бозорининг нормал фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатларига, шу жумладан:

нархларни ёки тарифларни оширишга, пасайтиришга, сақлаб туришга; тегишли бозорни ҳудудий принцип бўйича, реализация қилиш ёки харидлар ҳажми бўйича, товарларнинг хиллари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олишга;

хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклашга ёки уларни бозордан четлатишга олиб келадиган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларига йўл қўйилмайди.

Ушбуларни инобатга олиб, Қонун лойиҳасини рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мослаштириш, тадбиркорлик субъектларига ушбу соҳада фаолият юритишда уларга рухсат бериш тартиботларини енгиллаштириш, қийинлаштирувчи ҳолатларни бартараф этиш, шунингдек, 69-моддани ҳамда Қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқиш зарур.

3. Мазкур Қонун лойиҳасига Қўмита томонидан 2020 йил 26 августда 682/02-11-сонли хат билан тегишли эътироз ва таклифлар берилган бўлсада, тўлиқ бартараф этилмаган. Жумладан, Қонун лойиҳасининг 41, 44, 48, 66, 70, 73, 85, 88, 111, 112-моддалари бўйича қонунчилик талабларига зид бўлган нормалар киритилганлиги юзасидан берилган эътирозлар бартараф этилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Қўмита томонидан 2020 йил 26 августда 682/02-11-сонли хат билан берилган тегишли эътироз ва таклифларни инобатга олган ҳолда Қонун лойиҳасини тегишли моддаларини қайта кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.